

Qishloq hayoti

2010 йил Баркамол авлод йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2010-ЙИЛ 5-МАРТ, ЖУМА, 28 (7645) - сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган
Баҳоли келишган нархда.



Касби туманида қад ростлаётган Юқсалиш деб номланган янги қишлоқда 20 та 4 хонадан иборат 1 қаватли уйларда сўнгги пардозлаш ишлари давом этмоқда. Қурилишни "Очилов Нодир Қодирович" илтифослашган хусусий корхонаси олиб бормоқда.



Таъкидлаш жоизки, 2009 йилда мамлакатни барқарор иқтисодий ривожлантириш ва жаҳон молиявий-иқтисодий йнқирози таъсирини бартараф этишда республика тижорат банклари, хусусан, "Агробанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг хиссаси беқиёс бўлди...



Мутахассисларнинг фикрича, бундан неча минг йил аввал яшаган ва ҳали фанда қайд этилмаган бу махлуқ бир вақтнинг ўзида ўтхўр ва гўштхўр бўлган. Бош чаноғидаги тишлар, хусусан, узунлиги 5-6 сантиметр келадиган қозиқ тишлар шундай ҳулоса чиқаришга асос бўлади.

Аёл борки, олам мунаввар

Қўнғилларга алланечук илқик олиб кираётган баҳорнинг илк кунларида нишонланаётган Халқаро хотин-қизлар айёми сабаб оналаримиз, дўғоналаримиз, онасингаларимиз шавънига илқик сўзлар йўллашнинг айни пайтидир. Ҳаётимиздаги юқсалишларни хотин-қизлар фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар бир соҳада уларнинг ўз ўрни бор, ўз маҳами бор. Истиқлол йилларида юртимизда аёлларга бўлган эътибор қабул қилмоғи кўпгина ҳолатда уларнинг ҳаётига татбиқ этилишида ўз ифодасини топиб келмоқда. Ва баралла айтиш мумкин, унча-унча тараққий этган давлатларда ҳам аёллар фаолияти ва ҳаётига бу даражада эътибор берилмайди.



Қадам ОТАЕВ олган сурат.

Ишонч ёрлиқлари топширилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга 4 март куну Оксаройда Қозғистон Республикаси, Туркия Республикаси ва Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулдда ва мухтор элчилари эъти тайинланган — Борибай Жексембин, Меҳмет Сертач Сунмезай ва Чон Дэ Ван ишонч ёрлиқларини топширди.

Давлатимиз раҳбари ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, элчиларни шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлади, юртимизда бошлаётган миссияларида муваффақият тилади, шунингдек, Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Қозғистон элчиси билан суҳбат чоғида ўзбек ва қозоқ халқларини умумий тарих, муштарак урф-одатлар ўзаро боғлаб туриши, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янги давр талабларидан келиб чиқиб, ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама асосда ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Ўзбекистон ташқи савдосида Қозғистон юқори ўринларда туради, — деди Борибай Жексембин. — Мамлакатларимиз ўртасида нафақат савдо-сотик, айни пайтда сармоيار алмашуви ҳам ривожланмоқда. Қозғистон Ўзбекистондан қишлоқ хўжалиги, кимё саноати маҳсулотларини, қурилиш материалларини, кўплаб бошқа турдаги товарлар ва хизматларни импорт қилади. Қозғистон ишбилармонлари янги тақлиф билан Ўзбекистонга келиш ниятида. Элчи сифатида ана шундай алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаман.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги алоқалар савдо-иқтисодий ва молиявий соҳаларда жадал ривожланмоқда. Хусусан, мамлакатимизнинг тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатида туркиялик шериклар билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Биргаликда амалга оширилаётган кўплаб қўшма лойиҳалар икки мамлакат ўртасидаги сармоий ҳамкорликни ривожлантиришга, ишбилармонларнинг бевосита алоқаларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

— Элчилик фаолиятим даврида бор куч-гайратимни Ўзбекистон билан Туркия ўртасида савдо-иқтисодий, сиёсий ва гуманитар алоқаларни ривожлантиришга сарфлаш ниятидаман, — деди Меҳмет Сертач Сунмезай. — Аминманки, иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш учун икки томонда ҳам катта салоҳият мавжуд. Хусусан, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини бир неча баробар ошириш имконияти бор.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар бугун ўзининг олий босқичига кўтарилган, дейиш мумкин. Президент Ислам Каримовнинг жорий йил февраль ойида Корея Республикасига давлат таширифи асносида эришилган натижалар буну яқоал тасдиқлайди. Жанубий Корея томонидан Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган сармоия 2 миллиард АКШ долларидан ошди. Ислам Каримовнинг Корея Республикасига таширифи асносида эришилган келишувлар амалиётга татбиқ этилган, бу кўрсаткич 5 миллиард долларга етади.

Икки мамлакат сиёсий соҳада ҳам яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида маданий-гуманитар алоқалар ҳам кенг қўламда ривожланмоқда.

— Икки мамлакат раҳбарлари ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатилганини таъкидлаш жоиз, — деди Чон Дэ Ван. — Бу ҳамкорликнинг барча жабҳаларида алоқаларни ривожлантиришга муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўз миссиямиз даврида ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга устувор масала сифатида қарайман.

(ЎЗА)

Ёруғ кунлар шукронаси

Баҳор. Эзгулик, яшариш, яшнаш фасли. Қўкмама, баҳорнинг илк нозматлари сумалакка, кўк сомса, ялпиз сомсаларга отганимизда шукрона айтаемиз. Хут қўшндан тафт олган, кўпчи, уруғ ташлинишга маҳтал бўлиб турган она заминга боқиб, олажак ҳосилимизни сарҳисоб этаемиз.

Бу йил 83 баҳорни қарши олдим. Сугғим деҳқончиликда қотгани, умрим деҳқончилик билан ўтгани учунми, бундай кунларда кўнглимни алланечук туйғулар қамаб олади. Бугунги деҳқонлар, ер эгаси — фермерларга ҳавасим келади. Ишланган, меҳнат қилсанг, роҳатини кўрадиغان замон келди. Утган асрнинг 40-50 йилларида бўз ерларни ўзлаштиргандик. У пайтлар ҳозиргидек техника, ҳозиргидек шароит қаерда эди. Муқтаиллик берган имкониятлар ичида мен чуқурроқ ҳис қиладиганим ер билан, деҳқончилик билан боғлиқ. Утган йилнинг Қишлоқ тараққийти ва фаровонлиги йили, деб номланиши, шу асосда амалга оширилган ишларни, айниқса, қишлоқларда замонавий уй-жойлар қурилишига киришилгани айни кўнгидаги ишлар бўлди.

Фарзандларимизга яратилаётган шароитни кўриб, дилим яйрайди. Бизлар кўрмаган кунларни улар кўряпти. Таълим, спорт соҳасида улар эришаётган ютуқларни айтмайсизми?! 2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб аталishi, Давлат дастурида белгиланган вазифалар қўламининг кенглиги ёшларга қаратилётган эътиборнинг нақадар юқсаклигидан далolat беради. Ҳозирда Каттақўрган туманидаги Қўшқовуз қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллар мажлисида доимо иштирок этиб келаман. Яқинда Президентимизнинг ўтган йил якуни ва ушбу йилги вазифаларни белгилаб берувчи маърузалардан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган фуқаролар йиғинимизда бўлиб ўтган йиғилишдан нихоятда таъсирландим. Ёшларга қаратилётган эътибор, уларга яратилётган шароит келажакимизнинг янада ёруғ бўлишига замин яратади. Шундай кунларга етказганига шукрона айтадим.

Файзулла бобо ТОШЕВ

Самарқанд вилояти Каттақўрган тумани Қўшқовуз қишлоқ фуқаролар йиғини.

Кўннинг муҳим воқеалари

Хоразм вилояти Янгиқирқ туманидаги маиший хизмат касб-хунар коллежида "Инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўрни" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Уртачирчиқ туманидаги Педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида "Баркамол авлод — келажак пойдевори" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда шоир ва ёзувчилар, ёш ижодкорлар, коллежнинг ўқувчи ва ўқувчилари иштирок этди.

Адлия вазирлиги ташаббуси билан Андижон шаҳрида "Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар: амалиёт ва муаммолар" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Қашқарё Вилояти

ЭКОЛОГИЯ ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

Вилоят ахборот-ресурс марказида вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Экологик ҳаракати вилоят ҳудудий бўлинимаси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят ахборот-таҳлилий маркази ҳамкорлигида экология қонунчилигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, республика саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали, ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш корхоналари ҳамда нодавлат-нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда табиат муҳофазаси ва инсон саломатлиги борасида қабул қилинган қарорларнинг ижросида Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатларнинг иштироки ва уларнинг мақсад ҳамда вазифалари хусусида сўз борди.

Баҳс-мунозаралар асосида ўтган ушбу тадбир иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Хусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Қўли гулдир ўзбек аёлин...

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ КўРГАЗМА ЗАЛИДА ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚўМИТАСИ ТОМОНИДАН "Қўли гулдир ўзбек аёлин..." НОМЛИ КўРГАЗМА-САВДО ИШ БОШЛАДИ.

8 март — Хотин-қизлар куну муносабати билан ўтказилаётган кўргазма "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, "Хунарманд" уюшмаси, "Маҳалла" жамғармаси, "Агробанк" акциядорлик-тижорат банки, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки бошқаруви раиси Жамшид Сайфиддинов Президентимиз

Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ишларга жараёнида хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш, оила, оналик ва болалик мафратларини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида-



ги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони бу йўналишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжат асосида хотин-қизларнинг билим ва малака-

сини ошириш, улар учун янги иш ўринлари барпо этиш, касаначиликни ривожлантириш, тадбиркорлик ишини бошлаш истидага бўлган аёллар учун имтиёзли кредитлар ажратиш борасида кенг қўламда чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ушбу йўналишдаги вазифалар ижросини таъминлашда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бир қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда турли ижтимоий лойиҳалар, грант дастурлар, семинар машғулотлар, кўргазма-савдолари, буну иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этмоқда. Аънаваний тарзда ўтказиб келинаётган "Қўли гулдир ўзбек аёлин..." номли кўргазма-савдо ҳам ана шундай тадбирлар сирасидандир.

(Давоми 2-саҳифада)

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезқадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмахсулот", "Ўзкимёсаноат", "Ўзғоросурғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ер-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромушсервис", "Ўзғўштусаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси, Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

БОШ МАҚСАД — ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ

2009 йилда мамлакатни иқтисодий ривожлантиришда эришилган натижалар ўзбекистонни жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторига олиб чиқиш мақсадида танланган ўзига хос ва ўзига мос стратегик йўл нақадар тўғри ва оқилона эканлигини яна бир бор бутун дунёга намойиш этди.

Республика саноат ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, энг замонавий техника ва технологиялар билан қайта жиҳозлаш, шунингдек, жаҳонда юз берган молиявий-иқтисодий инқироз таъсирини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар дастурини оширмай ва изчил амалга ошириш натижасида Ўзбекистонда дунёдаги саноқли давлатлар каторида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор сураётлари таъминланди. Бунда республика ҳукумати-нинг 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган инқирозга қарши чоралар дастури муҳим аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Жаҳонда кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакат иқтисодий салоҳиятини барқарор сураётлар билан ўсишида, аввало, қабул қилинаётган янги қонунлар, республика Президентининг аниқ вақтда ҳар томонлама пухта ўйлаб эълон қилаётган фармон ва қарорлари муҳим қонуний асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатда тўла шакланиб улгурган банк-молия тизими фаолиятини мустақамлаш ва янада такомиллаштириш, уларнинг капитал ҳамда ресурс базасини кучайтириш орқали иқтисодийнинг базавий тармоқлари корхоналари, биринчи навбатда, экспорт қилувчи корхоналарга молиявий кўмак бериш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани, айниқса, қишлоқ жойларда ривожлантириш йўли билан қўллаб-қувватлаш ўзинларини охишга қаратилган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда.

Таъкидлаш жоизки, 2009 йилда мамлакатни барқарор иқтисодий ривожлантириш ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини бартараф этишда республика тижорат банклари, хусусан, "Агробанк" очик акциядорлик тижорат банкининг ҳиссаси беқис бўлди.

Президентимизнинг 2009 йил 30 мартдаги "Агробанк" очик акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори республика банк ва молия тизимини янада ривожлантириш ва фаолиятини такомиллаштиришда муҳим кадам бўлди дейиш мумкин. Акциядорлик тижорат "Пахта Банк" негизда ташкил этилган ушбу молия муассасаси орадан ўтган қисқа вақт ичида ўзининг мамлакат иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга қаратилган фаолиятини барқарорлаштириш ва янада мустақамлашга эришди. Бугунги кунга келиб "Агробанк" республиканинг саноат ишлаб чиқариш сектори ва қишлоқ хўжалик тармоқларини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини, қурилиш, транспорт ва алоқа тизимларини, савдо ва бошқа хизмат соҳаларини талаб, эҳтиёж даражасида молиявий қўллаб-қувватлаш имкониятига эга бўлган энг салоҳиятли тижорат банкларидан бирига айланди.

Бугунги кунда "Агробанк"нинг 185 та туман (шаҳар) филиали, 468 та минибанки, 189 та махсус кассаси, 274 та валюта айирбошлаш шохбачаси 270 мингдан зиёд юридик ва бир миллиондан кўпроқ жисмоний шахсларга хизмат кўрсатмоқда.

Банк фаолиятининг асосий кўрсаткичлари 2009 йил ҳар қачонгидан ҳам салмоқли натижалар билан яқунланганини яқол қилиб турибди. Хисобот йили охирига келиб банк активлари 1383 миллиард сўмга етиб, 423 миллиард сўм ёки 44 фоиз ўсди. Банк фаолияти кўламининг кенгайиши ўз навбатида капиталлашув даражасини оширишни тақозо этди. Банкнинг жамлама капитали йил бошидагига нисбатан 41 миллиард сўм ёки 32 фоиз ўсиб, 173 миллиард сўмга етди.

Президентимизнинг "Иқтисодий реал сектори корхоналарини молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари тўғрисида"ги қарорлари ижроси натижасида "Агробанк" тегишли тадбирлар белгилаб, изчил амалга оширмоқда. Жумладан, ўтган йили республика иқтисодий тармоқлари-

га 1 триллион 308 миллиард сўм кредит ажратилди. Бу 2008 йилдагига нисбатан 367 миллиард сўм кўпдир. Бу маблағлар қишлоқ хўжалиги, саноат ва қурилиш, савдо ҳамда умумий овқатланиш каби қатор хизмат соҳаларига, моддий-техник таъминот ишлари-га йўналтирилди.

Бугунги кунда "Агробанк" ўз тизимига қўллаб-қувватлаш муассасаларининг узоқ муддатли кредит линияларини жалб этиб, уларнинг маблағлари ҳисобидан иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини молиялаштиришни изчил давом эттирмоқда. Хусусан, сўнгги йилда Халқаро тараққиёт ассоциациясининг кредит линияси орқали ҳам муҳим лойиҳалар молиялаштирилди. Шунингдек, "Агробанк" билан Ислон хусусий секторини ривожлантириш ассоциацияси ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун 5 миллион АҚШ доллари миқдорини молиялаштириш линиясини очиб тўғрисида келишув имзоланди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгилаб берилган устувор вазифалар — қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган кенг кўламли қурилиш ишларини молиялаштиришда банк фаол иштирок этаётир. Бунда асосий эътиборни қишлоқларда мева, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашчи замонавий, тез мосланувчан ихчам корхоналарнинг кенг тармоғини барпо этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини сифат жиҳатидан янада юқори поғонага кўтариш ишлари учун етарли миқдорда кредитлар ажратилиши кўриб келинади.



ажратилиш орқали қўллаб-қувватлаш учун ўринлари яратиш режалаштирилган.

ЕТАКЧИ ТАРМОҚНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЯНЧИ

Бугунги кунда "Агробанк"нинг бутун республика ҳудудини қамраб олган филиал, минибанк, махсус касса ва бошқа муассасалари фермер ҳамда деҳқон хўжаликлари, 74 миңдан ортиқ кичик бизнес субъектлари, "Ўздонмаҳсулот" давлат акциядорлик компанияси, "Ўзқишлоқхўжалик" ЖАЖ, "Ўзпахтасаноат" ва "Ўзпрогресссервис" уюшмалари, шунингдек, қурилиш ва транспорт тизимлари таркибидеги 1650 га яқин корхонага, 800 дан кўпроқ муқобил машина-трактор паркларига кенг қамровда банк хизмати кўрсатмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 30 мартдаги "Агробанк" очик акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорлари билан, шунингдек, "Ўздонмаҳсулот" давлат акциядорлик компанияси, "Ўзқишлоқхўжалик" ЖАЖ, "Ўзпахтасаноат" ва "Ўзпрогресссервис" уюшмалари, шунингдек, қурилиш ва транспорт тизимлари таркибидеги 1650 га яқин корхонага, 800 дан кўпроқ муқобил машина-трактор паркларига кенг қамровда банк хизмати кўрсатмоқда.



Инқирозга қарши чоралар дастури — амалда

қаратмоқда. Ўтган йили паррандачилик тармоғини ривожлантириш тадбирлари учун 10 миллиард 100 миллион сўм, балиқчиликни кенг йўлга қўйиш мақсадлари учун 1,5 миллиард сўм, асаларчиликни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 1,1 миллиард сўм кредит ажратилди.

Кейинги йилларда мамлакатда иссиқхона хўжалиқларини барпо этиш ҳаракати кенг кулоч ёйди. "Агробанк" иссиқхоналар ташкил этишга қаратилган қарийб 300 та лойиҳани амалга ошириш мақсадларига 9,3 миллиард сўм кредит ажратди. Шу ҳисобидан 1500 га яқин иш ўрни яратилди.

"Агробанк" 2010 йилда қишлоқ хўжалигига молиявий ёрдамни талаб ва эҳтиёжлар даражасида кенгайтириш хисобига республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан янада мўл-қўл таъминлаш юзасидан алоҳида дастур ишлаб чиқди. Банкнинг барча вилоятлардаги 185 та филиали ушбу дастур лойиҳаларини оғишмай ва изчил амалга ошириб бориши учун ажратилган кредит маблағлари хисобига бу йил 2009 йилдагига нисбатан камидан 1,5 баравар кўп қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, шунингдек, 11 миңг 900 дан зиёд янги иш

лари миқдоридеги маблағлар республикада фаолият юритаётган фермер хўжалиқлари ҳамда қишлоқ хўжалигига агротехника хизмат кўрсатувчи корхоналарга йўналтирилди.

Ушбу кредит линиялар ҳисобидан жами 1063 та қишлоқ хўжалик техникалари, жумладан, дон ўриш комбайнлари, экскаваторлар, ҳайдов ва чопиқ тракторлари ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатлари харид қилинган.

ИНВЕСТИЦИЯ — ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Агросаноат маҳмуаси тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технология жиҳатдан янгиллашга қаратилган фаол инвестиция сифатида 2009 йилда янада изчил давом эттирилди. Ажратилган жами 242,8 миллиард сўм инвестиция кредитларининг 128,8 миллиард сўми ёки 53 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳасига йўналтирилди.

Пахта тозалаш заводларини модернизациялаш ва реконструкция қилишга ўтган йил давомида банкнинг ресурс маблағлари ҳисобидан 13,3 миллиард сўм, дон маҳсулотлари корхоналарида амалга оширилган шундай

балансига олинди. Жумладан, "Богдодларанда", "Хоразмаҳсулустузиш" акциядорлик жамиятлари, "Аграртехнологиялар" қўшма корхонаси, "Богот тумани ДАЖ" машина трактор парки, "Хўжайлис" ва "Кўнчи" очик акциядорлик жамияти каби сотиб олинган ҳамма ночор корхоналар негизда янги корхоналар ташкил этилиб, ишлаб чиқариш фаолиятлари йўлга қўйилмоқда.

Банк балансига олинган корхоналарни самарали бошқариш ва фаолиятини қайта тиклаш мақсадида банк "Agroinvest-recovery" инвестиция компаниясини ташкил этиб, сотиб олинган иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган бизнес-режани амалга оширмоқда.

КИЧИК БИЗНЕСГА КАТТА КЎМАК

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан қолган мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки жаҳоннинг тараққий этган давлатлари тажрибасидан аёнки, ушбу соҳа ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, ички бозорни маҳаллий истеъмолчилар билан тўлдирши ҳамда янги иш ўринларини яратишда, қисқаси, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим кўчардан бирidir.

"Агробанк" ҳам мавжуд маблағларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига йўналтиришга, улар учун кулай шарт-шароитлар яратиш ва турли имтиёзлар беришга ҳаракат қилаётир. Жумладан, 2009 йилда банк кичик бизнес субъектларининг 29 миң 552 та лойиҳасини молиялаштиришга 219,3 миллиард сўм кредит ажратди. Шундан банкнинг ўз ресурс маблағларидан 207,9 миллиард сўм, жалб этилган маблағлар ҳисобидан эса 11,4 миллиард сўм берилди.

Таъкидлаш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаштириш маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитларнинг умумий миқдори 135,8 миллиард сўм ёки икки баравар кўпайди. Жумладан, микрокредитлар ҳам 2008 йилдагидан 26,3 миллиард сўм ошди ёки 67 фоиз ўсди. Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини қўлайтиришни рағбатлантириш мақсадларига 12,2 миллиард сўм кредит берилди, шу ҳисобдан 9287 та янги иш ўрни яратилди.

Хозирги кунда 16 миң 581 тадбиркор аёл "Агробанк" муассасаларида ўз ҳисоб рақамини очиб, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириб борапти. Уларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун ўтган йили банк 20,6 миллиард сўм кредит ажратди. Бу 2008 йилдагидан 68 фоиз кўпдир. Кредит маблағларидан оқилона фойдаланган тадбиркор аёллар саъй-ҳаракати билан 8093 та янги иш ўринлари очилди. 2009 йилда банк оилавий касаначиликни ривожлантириш саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш учун 2 миллиард 488 миллион сўм кредит берди.

2009 йил давомида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредит маблағлари ҳисобидан жами 35 миң 948 та янги иш ўринлари яратилди. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар ҳажми эса 55 миллиард сўмдан ошди.

Республиканинг энг йирик ва энг салоҳиятли тижорат банкларидан бири сифатида "Агробанк" мамлакат халқ хўжалигининг реал секторлари, айниқса, етакчи тармоқ бўлган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ҳар томонлама ривожлантиришга салмоқли хисса қўшмоқда.

"Агробанк" матбуот хизмати



«Агробанк» салоҳияти далил ва рақамларда

- Республика Президентининг 2009 йил 30 мартдаги "Агробанк" очик акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорига асосан акциядорлик тижорат "Пахта Банк" негизда "Агробанк" очик акциядорлик тижорат банки ташкил этилди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида "Агробанк"нинг 185 та туман ва шаҳар филиали, 468 та минибанки, 189 та махсус кассаси, 274 та валюта айирбошлаш шохбачаси, қарийб 270 миңдан зиёд юридик ва 1 миллиондан ортиқ жисмоний шахсларга банк хизматларини кўрсатмоқда.
- 2009 йил якунлари бўйича "Агробанк" халқаро "The Banker" журнали ўтказган танловда голиб деб топилиб, Ўзбекистоннинг энг яхши банки деб эътироф этилди.
- "Агробанк" ташаббуси билан Марказий банк раҳбарлигида Осиев-Тинч Океани минтақаси Қишлоқ ва қишлоқ хўжалигини кредитлаш ассоциацияси (АПРАКА) ҳамкорлигида мамлакатимизнинг барча тижорат банклари масъул ходимлари иштирокида микромолиялаштириш бўйича миллий форум ташкил этилди. "Агробанк" 2010-2011 йиллар давомида ушбу халқаро ташкилотга раислик қилади.
- Республика Президентининг "Иқтисодий ночор корхоналарнинг тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармойишига асосан банк балансига олинган корхоналарни самарали бошқариш ва улар фаолиятини қайта тиклашни ташкиллаштириш мақсадида банк томонидан "Agroinvest-recovery" инвестиция компанияси ташкил қилинди.
- Банк активлари йил якунида келиб 1 триллион 383 миллиард сўмни ташкил этиб, 423 миллиард сўм ёки 44 фоиз ўсди.
- Банкнинг жамланма капитали йил бошидагига нисбатан 41 миллиард сўм ёки 32 фоиз ўсиб, 173 миллиард сўмга етди.
- Банк ўтган йил давомида иқтисодий тармоқларига жами 1 триллион 308 миллиард сўм ёки 2008 йилдагига нисбатан 367 миллиард сўм кўп кредит ажратди.

Банкнинг "Пахта-Сервис" депозитарийси фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида депозитарий "Agro depo invest" компаниясига айлантирилди. Компаниянинг устав капитал 260 миллион сўм миқдорига белгиланиб, банк томонидан компания низоом жамғармасига қўшимча равишда 151 миллион сўм инвестиция киритилди.

"Агробанк" ҳамда Ислон хусусий секторни ривожлантириш ассоциацияси ўртасида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун 5 миллион АҚШ доллари миқдорига молиялаштириш линиясини очиб тўғрисида келишув имзоланди.

"Fitch Ratings" нуфузли халқаро рейтинг компанияси "Агробанк" 2009 йилда барқарор фаолият кўрсатганини тасдиқлаб, "Барқарор" тоифадаги тўлиқ рейтингга муносиб деб топди.

Аграр соҳа ривожини учун:

— Республикада чорвачиликни ривожлантиришга йўналтирилган 4 858 та лойиҳани молиялаштириш учун ажратилган 23 миллиард 700 миллион сўм кредит ҳисобига чет эллардан 21 миң 388 боғ зотдор қорамол келтирилди. 443 тонна гўшт, 15 миң 511 тонна сўт маҳсулотлари етиштирилди ва 10 миң 535 та янги иш ўрни ташкил қилинди;

— гўшт ва сўтни қайта ишлайдиган минитехнологиялар ва ихчам ускуналар сотиб олиш учун ажратилган 7 миллиард 400 миллион сўм кредит ҳисобига 1 миң 339 та қўшимча иш ўрни очилди;

— жойларда чорвачиликнинг озуқа базасини кенгайтириш, жумладан, омикта ем, шрот ва шелуха сотиш шохобчаларини очиб ҳамда айланма маблағларни тўлдирши учун ажратилган 9 миллиард 500 миллион сўм кредит эвазига 323 та янги иш ўрни яратилди;

— паррандачиликни ривожлантиришга қаратилган 386 та лойиҳани молиялаштиришга ажратилган 10 миллиард 100 миллион сўм кредит ҳисобига паррандалар 1 миллион 689 миңгага кўпайтирилиб, 20 миллион 533 миң дон тухум, 270 тонна парранда гўшти етиштирилди, тармоқда 2 797 та янги иш ўрни ташкил этилди;

— балиқчиликни ривожлантиришга қаратилган 137 та лойиҳани молиялаштириш учун 1 миллиард 500 миллион сўм кредит ажратилиб, 296 та янги иш ўрни яратилди ва 405 тонна ёки 1 миллиард 200 миллион сўмлик балиқ етиштирилди;

— асаларчиликни ривожлантиришга қаратилган 95 та лойиҳани молиялаштиришга ажратилган 1 миллиард 100 миллион сўм кредит ҳисобига 2 миң 525 та янги асалари оиласи яратилиб, 162 та янги иш ўрни ташкил этилди ва 100 тонна ёки 1 миллиард 200 миллион сўмлик асал истеъмолчиларга етказиб берилди;

— иссиқхоналар ташкил этишга қаратилган 299 та лойиҳани молиялаштиришга 9 миллиард 300 миллион сўм кредит йўналтирилиб, 1 миң 499 та янги иш ўрни яратилди ва 24 миллиард 700 миллион сўмлик маҳсулот етиштирилди;

— 4 миң 796 та шахсий томорқа эгалари ҳамда фермер хўжалиқларига сабзавот, полив ва картошка уруғлари, мева ҳамда узум кўчатлари учун 9 миллиард 600 миллион сўм ёки 2008 йилдагига нисбатан 38 фоиз кўп кредит ажратилди;

— Аграр тармоқ корхоналарини техника билан таъминлаш мақсадида 100 миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратилиб, дон комбайнлари, чопиқ ва ҳайдов тракторлари ҳамда бошқа зарур агрегатлар харид қилинди.



